

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

РАЖАБОВ ҒУЛОМЖОН ҚУРБОНБОЕВИЧ

**МАЛАКАЛИ БОКСЧИЛАРНИНГ ИНДИВИДУАЛ
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА МУСОБАҚА
ФАОЛИЯТИ НАТИЖАДОРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Ражабов Гуломжон Курбонбоевич

Малакали боксчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга
олган ҳолда мусобақа фаолияти натижадорлигини

шакллантириш.....5

Ражабов Гуломжон Курбонбоевич

Формирование результативности соревновательной деятельности
квалифицированных боксёров с учётом их индивидуальных

особенностей.....27

Rajabov Gulomjon Kurbonboevich

Formation of efficiency of competitive activity of qualified boxers

with account of their individual features.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

РАЖАБОВ ҒУЛОМЖОН ҚУРБОНБОЕВИЧ

**МАЛАКАЛИ БОКСЧИЛАРНИНГ ИНДИВИДУАЛ
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА МУСОБАҚА
ҲАОЛИЯТИ НАТИЖАДОРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАҒА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчик – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.Phd/Ped457 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzdjtsu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдурасулова Гулбахор Бурхановна педагогика фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Махмудов Тўра тиббиёт фанлари доктори, профессор Кипчаков Баходир Бахриддинович педагогика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “_____” “_____” соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-37-717-17 79,717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail:uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети маъмурий биноси, 2 - қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй).

Диссертация автореферати 2019 йил “_____” _____ куни тарқатилган.
(2019 йил “_____” _____ да _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Д.Халмухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Б.Б.Мусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, п.ф.н., доцент

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё амалиёти шуни кўрсатадики, мусобақа курашида экстремаллик ортган вазиятларда фаолият ишончилиги юқори даражада бўлган спортчиларгина устунликка эга бўладилар. Чалғитувчи омилларга қаршилик кўрсата олиш (чалғитувчи омилларга бардошлилик) қобилияти экстремалликнинг бир қисмидир. Спорт фанида профессионал спортчиларнинг чалғитувчи омилларга бардошлилигини ўрганишга бағишланган кўп сонли тадқиқотлар мавжуд. Ҳозирги вақтда ушбу йўналишда илмий фаоллик кузатилмоқда. Замонавий спортда муваффақиятга эришиш ва эгалланган ўринларни сақлаб қолишнинг зарур шартларидан бири спортчиларни экстремал вазиятларда мусобақа фаолиятига тайёрлашни оптималлаштиришнинг янги инновацион технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳисобланади.

Жаҳонда боксчиларнинг мусобақа фаолияти натижадорлиги ҳамда ишончилигини ошириш муаммоси ҳозирга қадар кенг ривож топган бўлишига қарамай, унинг долзарблиги нафақат камаймаган, балки янгидан ошиб бормоқда. Янги чалғитувчи омиллар пайдо бўлмоқдаки, уларни инобатга олмай туриб, спортчиларнинг экстремал вазиятларда муваффақиятли иштирок этиши мумкин эмас. Бу мусобақанинг экстремал шароитларида спортчиларнинг психологик бардошлилигини шакллантиришнинг мавжуд амалиёти замонавий талабларга етарлича мос ҳолда ҳали самарали баҳоланиши мумкин эмас. Юқорида келтирилган далиллар малакали боксчилар шахси ва темпераментининг эмоционал–иродавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мусобақа фаолияти самарадорлигини ошириш муаммосини ҳал этишнинг янги йўллари излаб топиш долзарб эканлигини тасдиқлайди.

Бугунги кунда республикамызда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ва оммавийлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. “Ўзбекистон шарафини жаҳон спорт майдонларида муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юқори малакали спортчиларни тайёрлаш бўйича самарали тизимни яратиш спортчиларнинг халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришишида муҳим аҳамиятга эгадир”¹. Спорт назарияси ва спорт психологияси соҳасидаги ватанимиз ҳамда хорижий мутахассисларнинг ишларида спорт фаолиятидаги ишончилик омилига ҳамда спортчиларни мусобақаларга тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Аксарият адабиёт манбаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш шуни кўрсатадики, яккакурашчилар, жумладан, боксчиларнинг мусобақа фаолияти натижадорлиги ва ишончилигини ошириш муаммосига ягона қараш йўқ. Бу шу билан тасдиқланадики, спортчининг чалғитувчи омилларга бардошлилиги масалалари кўтарилган кўпчилик ишларда бундай бардошлилик тўғрисида спортчи психомоторикасининг хусусияти (ёки алоҳида хоссаси) сифатида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2015 йил 23 ноябрдаги “Олий маҳорат спорт мактабларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2438-сонли Қарори <http://lex.uz>

фикр билдирилган. Ҳозирги пайтда фаолиятни эмоционал–иродавий бошқариш механизмлари, уларга шахсга хос хусусиятлар ҳамда асаб тизимининг асосий хоссаларининг қўшилганлиги ўрганилмаган, шахснинг индивидуал–психологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда жанг олиб бориш шароитларини амалга оширишда яқкакураш тактик элементларининг оптимал уйғунлиги аниқлаб берилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031 сон Қарори, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сон Фармони, 2017 йил 9 мартдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида (Япония) ўтказиладиган XXXII Олимпия ўйинлари ва Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги ПҚ-2821-сон Қарори ҳамда шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий–ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” билан боғлиқ устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирда дунёда мусобақадаги экстремал шароитларда спортчининг психологик бардошлилигини ўрганиш бўйича жуда кўп тадқиқотлар олиб борилишига қарамай, муаммонинг барча жиҳатлари охиригача ўрганилмаган (Я.Стреляу, Е.П.Ильин, Л.В.Маришчук, 2001; Ю.В. Якових, 2008 ва бошқ.)².

Асаб тизимининг асосий хоссалари ва шахсга хос хусусиятларнинг спорт фаолияти самарадорлигига таъсирини таҳлил қилишга доир кўп сонли тадқиқотлар мавжуд (Г.В. Ванаев, И.С.Колесник, Б.П.Супов, Э.Р.Хусаинов)³, натижага эришишда спортчининг индивидуал ҳиссасини баҳолаш муаммоси

² Стреляу Ян. Роль темперамента в психическом развитии. -М, Прогресс, 1982, 231с.; Ильин Е.П. Мотивация и мотивы: учебное пособие–Санкт-Петербург: Питер, 2008. – 512 с.; Маришчук, В.Л. Поведение и саморегуляция человека в условиях стресса. -СПб.: Издатдом «Сентябрь», 2001; Якових, Ю.В. Формирование помехоустойчивости у юных баскетболистов на этапе начальной спортивной специализации, автореф дисс.канд пед наук -Тобольск, 2008. -24с.

³ Ванаев Г.В. О психологических факторах надежности в спортивной деятельности боксеров / «Психолого-педагогические проблемы высшего спортивного мастерства» (Материалы Всесоюзной конференции). - Минск, 1980. С.77-78.; Колесник, И.С. Личность боксера: моногр. - М.: Теория и практика физической культуры и спорта, 2007. - 202 с.; Супов Б.П. Очерки о боксерах, их спортивной деятельности и ее психолого-педагогическом контроле — М.: МИИТ, 2005. 324 с.; Хусаинов Э.Р. Сопряженная тактико-психологическая подготовка высококвалифицированных боксеров: автореф. дисс. ... канд. пед. наук / Хусаинов Эдуард Ришатович; ВНИИФК. М., 2007. - 24 с.

етарлича ўрганиб чиқилмаган (А.В.Дорин, 2009; Е.В. Калмыков, 1996)⁴.

Бироқ махсус ва услубий адабиётларда мусобақа фаолияти муваффақиятини таъминловчи турли масалаларнинг етарлича кенг ёритилганлигига қарамай, вазиятларнинг экстремаллик даражаси ҳар хил бўлган шароитларда боксчиларнинг мусобақа фаолияти хусусиятларини тадқиқ қилишга бағишланган ишларнинг етишмовчилиги кузатилмоқда.

Шундай қилиб, тадқиқот мавзусининг долзарблиги мусобақалар шароитларида боксчилар фаолиятини бошқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган янги инновацион технологияларни малакали боксчилар тайёрлаш жараёнига амалий жорий этиш зарурати ва мусобақа фаолиятининг индивидуал тавсифлари ва спортчи шахсиятини эътиборга олган ҳолда техник–тактик такомиллаштиришни индивидуаллаштириш бўйича илмий асосланган ишланмаларнинг йўқлиги ўртасидаги зиддият билан белгиланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган ИТИ режасидаги “Ўзбекистон терма жамоаларида юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади малакали боксчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мусобақа фаолияти барқарорлиги ва натижадорлигини шакллантириш юзасидан таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

боксчиларнинг мусобақа фаолияти муваффақияти ва натижадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи чалғитувчи омилларнинг (ташқи ва ички) типик турлари таркибини тадқиқ қилиш ҳамда тизимлаштириш;

экстремаллик даражасига кўра турли хил мусобақа вазиятларида юқори малакали боксчилар техник-тактик ҳаракатларининг (ҳужумлар, химояланишлар, қарши ҳужумлар, уларни тайёрлаш ва қўллашнинг тактик таркибларининг) сон ва сифат параметрларини аниқлаш;

спорт фаолиятининг муваффақиятли бўлишига ёрдам берувчи малакали боксчилар шахсиятининг индивидуал-психологик (характер, иродавий фазилатлар, ҳиссий туйғулар ва мотивация) хусусиятларини ўрганиш;

мусобақа фаолиятининг индивидуал тавсифлари ва спортчи шахсиятини ҳисобга олган ҳолда малакали боксчиларнинг мусобақа фаолияти натижадорлиги ҳамда ишончлилигини оширувчи инновацион услубиятни ишлаб чиқиш ва асослаш.

Тадқиқотнинг объекти малакали боксчиларнинг турли экстремал вазиятлардаги мусобақа фаолияти ҳисобланади.

⁴ Дорин, А. В. Повышение эмоциональной устойчивости юных боксеров в спортивной деятельности: автореф. дисс. канд. пед. наук . –М. Челябинск, 2009. -26с.; Калмыков, Е.В. Индивидуальный стиль деятельности в спортивных единоборствах: Автореф.дисс. ... доктора пед. наук . – М.: РГАФК,1996. -26 с. Калмыков, Е.В. Индивидуальный стиль деятельности в спортивных единоборствах: Автореф.дисс. ... доктора пед. наук . – М.: РГАФК,1996. -26 с.

Тадқиқотнинг предметини боксчиларнинг мусобақа фаолиятига таъсир қилувчи чалғитувчи омилларнинг типик турлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш, видеотаҳлил, сўровнома, анкета сўрови, назарий таҳлил, мотивацион-натижадор услубиятлар, шахсни ҳар томонлама ўрганиш услублари, лаборатория тажрибаси услуби, корреляция таҳлили, ҳар хил ўртача катталиклар ишончилигини аниқлашнинг статистик услублари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

боксчиларнинг мусобақа фаолияти муваффақияти ва натижадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи чалғитувчи омилларнинг (ташқи ва ички) типик турлари аниқланган;

экстремаллик даражасига кўра турли мусобақа вазиятларида юқори малакали боксчиларнинг техник-тактик ҳаракатларининг сон ва сифат параметрлари, жумладан ҳаракатлар ҳажмлари ва натижадорлиги, уларни тайёрлаш ҳамда қўллашнинг тактик таркиблари аниқланган;

турли хил даражадаги экстремал вазиятларда малакали боксчилар спорт фаолиятининг муваффақиятли бўлишига ёрдам берувчи шахсга хос (характер, иродавий фазилатлар, ҳиссий туйғулар ва мотивация) индивидуал-психологик хусусиятлари аниқланган;

мусобақа фаолияти ва спортчилар шахсиятининг индивидуал тавсифларини ҳисобга олган ҳолда малакали боксчиларнинг мусобақа фаолияти натижадорлиги ҳамда ишончилигини оширувчи услубият назарий жиҳатдан ва тажрибада асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари.

Мусобақа фаолияти ва спортчилар шахсиятининг индивидуал тавсифларини ҳисобга олган ҳолда малакали боксчиларнинг мусобақа фаолияти натижадорлиги ҳамда ишончилигини оширувчи услубият ишлаб чиқилган.

Спортчилар шахсияти ва фаолиятининг тактик услуби модел тавсифларининг миқдорий параметрлари аниқланган, улар юқори натижага эришишга бўлган тайёрликнинг психодиагностика мезони сифатида мусобақаларга психологик тайёргарлик кўриш давомида қўлланилган.

Беллашувларда экстремал вазиятлар пайдо бўлганда чалғитувчи омилларга бардошлиликни ошириш ҳамда ўз-ўзини бошқариш қобилиятини ривожлантириш вазифаси ҳал этилган.

Чалғитувчи омиллар мавжуд бўлган вазиятларда малакали боксчилар жанговар ҳаракатлари турларининг (хужумлар, ҳимояланишлар ва қарши хужумлар) натижадорлиги ошган, амалга ошмаган хужум ҳаракатлари ҳажми камайган.

Машғулот жараёнида ва мусобақаларда боксчилар фаолиятини бошқариш бўйича педагогик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги унинг долзарб назарий ва методологик ҳолатларга таянилганлиги, тадқиқот предмети ва вазифаларига мос илмий асосланган замонавий тадқиқот услублари ва услубиятларидан комплекс фойдаланилганлик, материалнинг назарий таҳлили ва педагогик

тажрибада олинган натижалар таҳлилининг уйғунлиги, қўлланилаётган тадқиқот услубиятларининг ишончлилиги, тажриба-синов ишлари натижаларининг сифат ва сон жиҳатдан таҳлил қилинганлиги; олинган натижаларнинг ахборот-компьютер технологиялари асосида статистик ишлаб чиқилганлиги, тадқиқот натижаларининг қайта ишланиши ва олинган маълумотларнинг репрезентативлиги билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти: ўтказилган илмий тадқиқотлар натижалари бокс назарияси ва услубиятини малакали яккакурашчиларнинг машғулот жараёни сифатини ошириш, чалғитувчи омилларга бардошлиликни такомиллаштириш ва мусобақа фаолияти натижадорлигини ошириш муаммоларига тааллуқли янги ҳолатлар билан кенгайтиради ва тўлдиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти: малакали боксчилар мусобақа фаолияти натижадорлиги ва ишончлилигини оширувчи ишлаб чиқилган услубият самарадорлиги тажрибада асосланган. Ишнинг амалий натижалари спортчилар тайёрлашда, шунингдек, бокс мутахассисларини касбий тайёрлаш жараёнида, бокс тренерларининг малакасини ошириш курсларида қўлланилиши мумкин. Тадқиқот материалларидан ўқув ва ўқув-услубий қўлланмаларни ёзишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Малакали боксчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мусобақа фаолияти натижадорлигини шакллантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

боксчиларнинг мусобақа фаолияти муваффақияти ва натижадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи чалғитувчи омилларнинг (ташқи ва ички) типик турлари аниқланиб, чалғитувчи омилларни бартараф этиш учун ишлаб чиқилган методика Тошкент шаҳар бокс бўйича терма жамоаси боксчиларининг ўқув-машғулотлари жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 27 мартдаги 01-07-15-1144-сон маълумотномаси). Натижада жанговар ҳаракатларнинг умумий натижадорлиги 5,21% га; ҳужумларнинг натижадорлиги 6,11% га, ҳимояланиш натижадорлиги 4,35% га ўсишига хизмат қилган;

экстремаллик даражасига кўра турли мусобақа вазиятларида юқори малакали боксчилар техник-тактик ҳаракатларининг сон ва сифат параметрлари, жумладан, ҳаракатлар ҳажмлари ва натижадорлиги, уларни тайёрлаш ҳамда қўллашнинг тактик таркиблари аниқланиб, мусобақа фаолияти натижадорлигини ошириш методикаси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети боксчиларининг ўқув-машғулотлари жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 27 мартдаги 01-07-15-1144-сон маълумотномаси). Натижада амалга ошмаган ҳужумлар ҳажмлари 3,32% га

камайган, боксчилар психомотор операцияларининг сафарбарликка тайёрлиги кўрсаткичлари 10,2% га, қийин вазиятларни ҳал этишдаги ишонч кўрсаткичлари 7,34% га ошган, хато реакциялар вақти кўрсаткичлари 5,36% га яхшиланган;

турли хил даражадаги экстремал вазиятларда малакали боксчилар спорт фаолиятининг муваффақиятли бўлишига ёрдам берувчи шахсга хос (характер, ирода фазилатлари, ҳиссий туйғулар ва мотивация) индивидуал-психологик хусусиятлари аниқланиб, мусобақа фаолияти натижадорлигини ошириш методикаси Чирчиқ шаҳри бокс жамоасининг ўқув-машғулоти жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 27 мартдаги 01-07-15-1144-сон маълумотномаси). Натижада амалга ошмаган ҳужумлар ҳажмлари 4,41% га камайган, боксчилар психомотор операцияларининг сафарбарликка тайёрлиги кўрсаткичлари 12,8% га, қийин вазиятларни ҳал этишдаги ишонч кўрсаткичлари 9,84% га ошган, хато реакциялар вақти кўрсаткичлари 9,21% га яхшиланган;

мусобақа фаолияти ва спортчилар шахсиятининг индивидуал тавсифларини ҳисобга олган ҳолда малакали боксчиларнинг мусобақа фаолияти натижадорлиги ҳамда ишончилигини оширувчи методика Тошкент шаҳар бокс бўйича терма жамоаси боксчиларининг ўқув-машғулоти жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 27 мартдаги 01-07-15-1144-сон маълумотномаси). Натижада жанговар ҳаракатларнинг умумий натижадорлиги 8,54% га; ҳужумларнинг натижадорлиги 9,24% га, ҳимояланиш натижадорлиги 7,56% га ўсишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий ҳолатлари ва натижалари 2 та ҳалқаро, 2 та республика анжуманларида ва тренерлар малакасини ошириш курсларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий-услубий ишлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 3 та мақола (2 та республика ва 1 та хорижий илмий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши 132 саҳифадан иборат компьютер матнида баён қилинган, кириш, тўртта боб, 12 та расм 10 та жадвал, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади,

вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий этилиши, апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Шахсга хос омилларни ҳисобга олган ҳолда боксчилар мусобақа фаолиятини бошқариш муаммосига доир материалларнинг таҳлили”** деб номланган биринчи бобида боксчиларнинг мусобақа фаолияти хусусиятлари, мусобақа фаолиятининг натижадорлигини ёмонлаштирувчи унинг объектив омиллари тўғрисидаги материаллар ёритилган; замонавий фанда шаклланган шахс тузилиши, асаб тизими ва темперамент хусусиятлари, индивидуал фаолият услуги тўғрисидаги тасаввурлар кўриб чиқилган.

Махсус адабиётлар таҳлиliga якун ясаган ҳолда эътироф этиш мумкинки, боксда мусобақа фаолияти ўзининг ўзига хос хусусиятлари эвазига экстремал шароитларда кечади, бу спортчига катта қийинчиликлар туғдиради. Уларни иродавий куч беришларсиз, барча кучни онгли тарзда сафарбар қилмай туриб, ҳаракатлар ва ҳаракатларни етарлича бошқармай туриб, енгиб бўлмайди. Чалғитувчи омилларнинг муайян бир спортчига таъсир қилиш хусусиятини ҳамда чалғитувчи омилларга нисбатан барқарорликни белгилаб берувчи шахсга хос хусусиятлар комплексини била туриб, чалғитувчи омиллар таъсирига қаршилик кўрсата олишни таъминловчи шахсга хос хусусиятларни ривожлантирган ҳолда уларнинг спортчига бўлган таъсирини камайтириш мумкин.

Шу сабабли боксчи мусобақа фаолияти муваффақиятининг унинг индивидуал-психологик сифатларига боғлиқлиги ўсиб боради. Шу билан бирга, замонавий бокс назарияси ва методикасида экстремал вазиятлар даражаси турли хил бўлган шароитларда боксчилар мусобақа фаолиятининг хусусиятлари тўғрисида объектив маълумотлар деярли йўқ. Боксда индивидуал ёндашув муаммоси алоҳида эътибор талаб қилади, чунки бу спорт турида ҳар хил услубда жанг олиб бориш орқали юқори спорт натижасига эришиш мумкин. Фаолиятни эмоционал-иродавий бошқариш механизмлари, уларга шахс хусусиятларининг ва марказий асаб тизими хоссаларининг қўшилганлиги етарлича тадқиқ қилинмаган, жанг олиб бориш шароитлари турлича бўлганда шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда яккакураш тактик элементларининг оптимал уйғунлиги аниқланмаган.

Боксчиларда чалғитувчи омилларга бўлган барқарорликнинг ривожланганлик даражасини ташхислашга имкон берувчи педагогик инструментарийнинг, шунингдек, фундаментал методик ишланмалар ва амалий тавсияларнинг йўқлиги боксчиларнинг шахсга хос эмоционал-иродавий хусусиятлари ҳамда асаб тизими хоссаларини инобатга олган ҳолда чалғитувчи омилларга нисбатан барқарорлигини, уларнинг мусобақа

фаолияти натижадорлиги ва ишончлилигини ошириш методикасини ишлаб чиқишга йўналтирилган махсус тадқиқотлар ўтказиш эҳтиёжини юзага келтиради.

Диссертациянинг **“Тадқиқот услублари ва ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот услублари тавсифи берилган, ишнинг бажарилиш босқичлари, ташкил қилиниши хусусиятлари ва педагогик тажрибанинг ўтказилиши ёритилган.

Тадқиқотлар уч босқичда ташкил қилинди ва ўтказилди.

Биринчи босқичда илмий-услубий адабиётлар таҳлили ўтказилди, тадқиқот вазифалари аниқлаштирилди.

Иккинчи босқичда (2016 йил апрелдан 2017 йилгача бўлган давр) педагогик кузатувлар ўтказилди ҳамда малакали боксчиларнинг мусобақа жанглари ёзиб олинди. 2,5 миндан зиёд жанговар ҳаракатлар, жумладан чалғитувчи омиллар таъсири шароитларида бажарилган ҳаракатлар таҳлил қилинди. Жами 315 мусобақа жанглари ёзиб олинди.

Бу босқичда спортчи шахсининг индивидуал-психологик хусусиятлари ўрганиб чиқилди. Текширувларда 16 нафар малакали боксчилар қатнашдилар, улар орасида 8 нафари – спорт устаси, 8 нафари – спорт усталигига номзодлар. Ишлар Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг бокс, таэквондо, қиличбозлик назарияси ва услубияти кафедрасида олиб борилди.

Тадқиқотнинг учинчи босқичи дастурий педагогик тажриба ўтказишни ўз ичига олди. Унда Ўзбекистон спорт устаси унвонига эга 8 нафар боксчи қатнашди, машғулотлар ЎзДЖТСУ бокс залида ўтказилди.

Диссертациянинг **“Экстремаллик даражасига кўра турли мусобақа вазиятларида ва шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда юқори малакали боксчиларнинг техник–тактик ҳаракатлари кўрсаткичлари”** деб номланган учинчи бобида юқори малакали боксчиларнинг мусобақа фаолияти натижадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи чалғитувчи омилларнинг тизимлаштирилиши, яккакураш шароитлари фарқли бўлганда боксчилар мусобақа фаолияти хусусиятлари ва уларнинг шахсга хос хислатлари, жанг олиб бориш шароитлари ҳар хил бўлганда улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Олинган маълумотларни таҳлил қилишда шу нарса аниқландики, юқори малакали боксчилар мусобақа фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи чалғитувчи омиллар ўзига хос ажралиб турувчи белгиларига кўра ўнта асосий гуруҳга тизимлаштирилиши мумкин (1-расмга қаранг).

Спортчи ва тренерларнинг фикрича, тана оғирлигини тартибга солиш, муҳим мусобақалардаги психологик зўриқиш даражаси ва спортчиларнинг атрофдагилар баҳоларига адекват реакцияси билан боғлиқ бўлган чалғитувчи омиллар боксчилар мусобақа фаолияти натижадорлиги пасайишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.



1-расм. Бокс жангларида чалғитувчи омиллар мавжуд бўлган вазиятларнинг тизимлаштирилиши

Малакали боксчиларнинг мусобақа жанглари видеоматериалларининг таҳлили шуни аниқлашга имкон бердики, мусобақа беллашувларининг 67% айнан мусобақаларда қатнашишни қийинлаштирувчи чалғитувчи омиллар юзага келган шароитларда ўтади. Бунда кўпчилик боксчиларда жанговар ҳаракатларнинг натижадорлиги пасайиши содир бўлади, бу мусобақа фаолиятининг умумий натижадорлигига салбий таъсир қилади (1-жадвалга қаранг).

**1-жадвал
Мусобақа жангларида стрессли (чалғитувчи) омиллар йўқ бўлган ва бор бўлган вазиятларда юқори малакали боксчиларнинг техник-тактик ҳаракатлари ўртача кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили (%)**

Жанг вазиятлари эпизодлари	Ҳужумлар		Ҳимояланишлар		Қарши ҳужумлар	
	Ҳажми	Натижа дорлиги	Ҳажми	Натижа дорлиги	Ҳажми	Натижа дорлиги
Чалғитувчи омиллар йўқ бўлган вазиятларда	57,9 ± 1,2	66,7 ± 1,8	27,4 ± 1,4	67,7 ± 2,4	14,7 ± 0,9	30,2 ± 2,2
Чалғитувчи омиллар бор бўлган вазиятларда	49,7 ± 2,9	35,5 ± 3,9	27,8 ± 1,8	45,4 ± 4,1	22,5 ± 2,3	32,1 ± 4,4

Тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, чалғитувчи омиллар йўқ ва бор бўлган вазиятларда малакали боксчиларнинг жанговар ҳаракатлари

ҳажмлари ҳамда натижадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар орасида ишончли фарқлар мавжуд ($p < 0,05$).

Чалғитувчи омиллар йўқ бўлган вазиятларда ҳужум ҳаракатлари ҳажмлари ҳимояланиш ҳаракатларидан (икки мартадан кўпроқ) ва қарши ҳужум ҳаракатларидан устунлик қилади (уч мартадан кўпроқ), бунда қарши ҳужумлардан фойдаланиш кўпайганлиги ва чалғитувчи омиллар пайдо бўлган вазиятларда ҳужумлар сони камайганлиги қайд қилинган. Буни шу орқали тушунтириш мумкинки, экстремал вазиятларда ҳаракатларнинг назорати ёмонлашади, таваккалчиликка бўлган мойиллик намоён бўлади.

Малакали боксчиларда мусобақаларда жанг олиб боришда минимал таваккалчиликка бўлган интилиш ҳаракатларни тайёрлаш ва қўллашнинг белгиланган тактик тавсифларини таҳлил қилишни тушунтириб беради (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Малакали боксчиларда жанг олиб бориш шароитлари турлича бўлганда ҳаракатларни тайёрлаш ва қўллашнинг турли тактик тавсифларига эга жанговар ҳаракатларнинг ҳажмлари (%)

Т/р	Ҳаракатларни тайёрлаш ва қўллашнинг тактик тавсифлари		Ҳаракатларни қўллаш кўрсаткичлари					
			Чалғитувчи омиллар йўқ вазиятларда			Чалғитувчи омиллар бор вазиятларда		
			\bar{X}	$\pm m$	δ	\bar{X}	$\pm m$	δ
1.	Жангни бошлаш ташаббуси	Ҳужумкорона	57,7	1,8	7,9	56,3	2,5	10,9
		Ҳимояланишли	42,3	2,0	6,7	43,7	2,1	8,7
2.	Ринг майдонидан фойдаланиш	Маневрли	60,1	2,1	7,8	55,4	3,2	11,6
		Позицион	39,9	1,8	7,6	44,6	3,2	12,9
3.	Ҳаракатларни тайёрлаш учун вақтдан фойдаланиш	Тезкор	37,2	1,6	6,2	35,7	2,9	11,3
		Кутишли	62,8	1,7	6,7	64,3	3,4	12,5

Шундай қилиб, ҳужумкорона-маневрли ва тезкорлик вектори билан билвосита боғлиқ беллашувлар чалғитувчи омиллар бор вазиятларда ҳажмларнинг пасайиши тенденциясига эга. Аксинча, бундай вазиятларда ҳимояланишли ва позицион асосга эга ҳаракатлар сони ортади. Ринг майдонидан фойдаланишни инобатга олган ҳолда ҳаракатларни қўллаш ҳажмларини шу тариқа талқин этиш зарур. Масалан, чалғитувчи омиллар йўқ бўлган мусобақа жанглари вазиятларида манёврли тарзда кечувчи беллашувлар сони устувор ўрин тутади ($p < 0,05$), айти пайтда эса экстремал вазиятларда позицион тарзда кечувчи беллашувлар ҳажмлари ортади. Бунда тез кечадиган (тезкор) беллашувлар ҳажмлари ҳам экстремал мусобақа вазиятида камади ($p < 0,05$).

3-жадвал

Чалғитувчи омиллар бор бўлган вазиятларда малакали боксчилар томонидан жанговар ҳаракатлар турлари
қўлланилишининг индивидуал кўрсаткичлари (%).


Т/р	Ф.И.	Чалғитувчи омиллар йўқ вазиятларда						Чалғитувчи омиллар бор вазиятларда					
		ҳужум			қарши ҳужум			ҳужум			қарши ҳужум		
		XX	ХН	XX	ХН	XX	ХН	XX	ХН	XX	ХН	XX	ХН
1.	Б.Х.	58,7	70,2	21,9	85,7	19,4	45,2	27,3	20,0	28,3	33,3	45,4	20,0
2.	3.Ф.	55,2	70,9	21,0	66,7	23,8	44,1	55,6	20,0	22,2	0,0	22,2	80,0
3.	М.Д.	51,8	63,6	26,2	70,0	22,0	35,7	35,7	0,0	28,6	50,0	35,7	20,0
4.	М.М.	48,6	60,2	28,8	65,1	23,0	35,3	38,5	60,0	23,2	33,3	38,5	10,0
5.	М.Ш.	59,2	70,4	21,9	68,9	18,9	25,6	56,0	75,2	28,0	76,0	16,0	55,0
6.	Х.А.	55,7	53,1	22,7	70,0	21,6	42,1	66,7	65,4	15,4	83,3	17,9	54,7
7.	Р.Б.	53,8	58,2	18,4	58,1	27,8	29,8	45,8	27,2	8,4	15,7	45,8	9,1
8.	С.И.	61,3	55,0	16,0	48,3	22,7	24,1	30,0	16,7	30,0	20,0	40,0	0
9.	С.А.	56,3	57,9	24,2	63,0	19,5	21,6	61,8	33,3	23,5	80,0	14,7	50,0
10.	С.Б.	56,8	75,9	25,3	62,5	17,9	38,2	44,0	63,2	32,0	37,7	24,0	16,7
11.	Й.И.	61,3	68,9	24,3	61,9	14,4	32,0	61,5	30,0	23,1	25,0	15,4	61,5
12.	Р.И.	58,3	65,3	23,2	69,2	18,5	29,0	50,0	25,0	12,5	50,0	37,5	8,3
13.	С.М.	53,3	49,0	17,6	53,1	28,6	13,5	56,7	11,8	23,3	42,9	20,0	16,7
14.	Т.О.	51,8	62,4	23,8	67,9	25,0	26,8	55,5	20,0	16,7	33,3	27,8	16,7
15.	Н.Ф.	53,5	56,6	24,2	64,7	22,3	42,6	47,2	47,7	36,1	53,8	16,7	75,0

1. Изох: Х – ҳаракатлар ҳажми; Н – ҳаракатлар натижадорлиги

Шу билан бирга, чалғитувчи омиллар йўқ бўлган ва чалғитувчи омиллар бор бўлган вазиятларда малакали боксчиларда жанговар ҳаракатларнинг айрим асосий турлари ҳажмлари ва натижадорлиги орасида ишончли фарқлар аниқланди. Улар муайян педагогик кўрсатмаларни ва расмий мусобақаларда жанг олиб бориш самарадорлигини оширишга йўналтирилган махсус машқларнинг зарурлигини белгилаб беради.

Чалғитувчи омиллар йўқ бўлган вазиятларда хужумлар, химоя воситалари ва қарши хужумлардан фойдаланиш ҳажмлари кўрсаткичларида (мос равишда 61,3% дан 48,6% гача; 16,0% дан 31,4% гача, 28,6%) ва натижадорлигида муҳим индивидуал фарқлар аниқланди (мос равишда 49% дан 75,9% гача, 48,3% дан 85,7% гача 14,4%дан 28,6% гача) (3-жадвалга қаранг).

Чалғитувчи омиллар бор вазиятларда ва чалғитувчи омиллар йўқ бўлган вазиятларда мусобақа фаолияти ҳамда уларни тайёрлаш ва қўллашнинг тактик таркиблари натижадорлиги билан боғлиқ бўлган кўрсаткичларнинг корреляцион таҳлили натижасида (2-расмга қаранг) шу аниқландики, фаолиятнинг умумий натижадорлиги ва чалғитувчи омиллар йўқ вазиятлардаги жанговар ҳаракатлар натижадорлиги бир-бири билан юқори ижобий корреляцион боғлиқликка эга ($r = 0,85$).



2-расм. Малакали боксчиларнинг фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари ва мусобақадаги ҳаракатларнинг тактик таркиблари орасидаги боғлиқликлар коррелограммаси.

1. Изоҳ: аҳамиятлилилик даражаси $p < 0,05$ бўлган корреляция - - - -
 аҳамиятлилилик даражаси $p < 0,01$ бўлган корреляция —————

1. Чалғитувчи омиллар йўқ бўлган вазиятларда ҳаракатлар натижадорлиги. 2. Умумий натижадорлик. 3. Тезкор, чалғитувчи омиллар билан. 4. Чалғитувчи омиллар билан позицион тактика. 5. Чалғитувчи омиллар билан химояланиш тактикаси. 6. Чалғитувчи омилларсиз химояланиш тактикаси. 7. Чалғитувчи омилларсиз позицион тактика. 8. Амалга ошмаган хужумлар.

Чалғитувчи омиллар йўқ вазиятларда мусобақа фаолияти тактик таркибларининг ижобий таъсири маълум бир шахсга хос шарт-шароитлар билан таъминланади. Масалан, чалғитувчи омиллар йўқ вазиятлардаги ҳимояланиш тактикаси чалғитувчи омиллар бор вазиятлардаги ҳимояланиш тактикаси билан ишончли ижобий боғлиқликка эга эканлиги яққол кўринади ва шундай қилиб, боксчилар фаолиятининг умумий натижадорлиги кўрсаткичи билан ижобий билвосита боғлиқ.

Эътироф этиш лозимки, чалғитувчи омиллар бор вазиятларда жанговар ҳаракатлар натижадорлиги кўрсаткичи фаолиятнинг умумий натижадорлиги билан бевосита боғлиқ ва корреляцияга киришувчи кўрсаткичлар комплекси билан биргаликда мустақил блокни ташкил этади.

Боксчилар ишбилармонлик йўналишидан дарак берувчи шахсий қирралар: омилкорлик, ҳалоллик, иродавий куч беришларни сафарбар қилиш қобилияти, ўз фаолияти натижаларига ижтимоий баҳо берилишига нисбатан адекват муносабат билан ажралиб турадилар. Уларда куч ва асаб жараёнлари кўзғалувчанлиги устунлиги, психомоториканинг тезлик кўринишларининг юқори даражаси ва психомоториканинг тезлик параметрларининг “муваффақиятсизлик” омилига барқарорлиги аниқланди.

Шахс ва асаб тизими хоссаларининг юқорида санаб ўтилган хусусиятлари юқори даражадаги ҳаракат фаоллигини, экстремал вазиятларда ҳаракат реакцияларининг барқарорлигини таъминлайди.

Малакали боксчиларнинг чалғитувчи омиллар бор ва йўқ бўлган вазиятлардаги фаолияти ҳамда психологик кўрсаткичлари таҳлили шахсга хос ва юқори спорт натижасига эришиш учун тайёр туришнинг психодиагностика мезони сифатида мусобақаларга мақсадли тайёргарлик кўриш жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган фаолиятнинг тактик услубининг асосий модел тавсифларини аниқлаш имконини беради.

Диссертациянинг **“Малакали боксчиларнинг мусобақа фаолияти натижадорлиги ва ишончилигини ошириш услубияти”** деб номланган тўртинчи бобда тадқиқотнинг мазмуни ёритиб берилган ва шакллантирувчи педагогик тажриба натижалари келтирилган.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган услубиятнинг мақсади жанг олиб боришнинг индивидуал тавсифлари, шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари, жанг олиб бориш шароитлари ҳар хил бўлганда улар орасидаги ўзаро боғлиқликлар даражаларини эътиборга олган ҳолда техник–тактик такомиллаштириш воситалари ва услубларидан фойдаланишни оптималлаштириш ҳамда малакали боксчиларнинг мусобақа фаолияти умумий натижадорлигини ошириш мақсадида машғулот жараёнини тузиш услубиятини тажрибада асослашдан иборат эди.

Ушбу мақсадга эришиш психологик тайёргарлик жараёнида қуйидаги хусусий вазифаларни ҳал этиш билан таъминланади:

– чалғитувчи омиллар бор вазиятларда ҳаракатлар натижадорлигини ошириш;

– боксчиларнинг чалғитувчи омилларга нисбатан реакциялари, шахсга хос психологик хусусиятлари ва эмоционал–иродавий соҳани инобатга олган ҳолда техник–тактик маҳоратни индивидуаллаштириш;

– машғулот жараёнида ва мусобақаларда боксчилар фаолиятини бошқариш бўйича педагогик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ишлаб чиқилган малакали боксчилар мусобақа фаолияти натижадорлиги ва ишончилигини оширишнинг тажрибавий услубияти самарадорлигини амалда синовдан ўтказиш учун ЎзДЖТСУ базасида шакллантирувчи педагогик тажриба ташкил этилди ва ўтказилди. Унда спорт устаси унвонига эга 18 нафар боксчи қатнашди.

Тажриба гуруҳида ўқув–машғулот жараёни биз томонимиздан ишлаб чиқилган психологик-педагогик тавсиялар ва танлаб олинган психотехник машқларни ҳисобга олган ҳолда оддий машғулотлар тартибида амалга оширилди.

Тажрибавий услубият ҳаракатлар турлари, уларни тайёрлаш ва қўллашнинг тактик таркиблари орасидаги миқдорий нисбатларни такомиллаштириш, боксчилар мусобақа фаолиятига чалғитувчи омилларнинг таъсир этиш самарасини камайтириш воситалари ҳамда усуллари комплексини ўз ичига олади.

Дастлабки тадқиқотлар натижаларига кўра, текширилувчиларни чалғитувчи омиллар бор вазиятларда ва чалғитувчи омиллар йўқ вазиятларда ҳаракатлар натижадорлиги мезони бўйича учта гуруҳга ажратиш имкони юзага келди. Биринчи гуруҳга жанговар ҳаракатлар натижадорлиги чалғитувчи омиллар йўқ вазиятларда юқори ва чалғитувчи омиллар бор вазиятларда янада ошиб борувчи боксчилар кирди. Иккинчи гуруҳни шундай боксчилар ташкил қилдики, уларда чалғитувчи омиллар йўқ вазиятларда натижадорлик юқори, лекин чалғитувчи омиллар бор вазиятларда натижадорлик пасаяди.

Учинчи гуруҳ боксчиларида ҳаракатлар натижадорлиги чалғитувчи омиллар йўқ вазиятларда ўрта қийматдан пастроқ (ушбу сайланма учун) ва чалғитувчи омиллар бор вазиятларда у янада ёмонлашиб боради. Аниқланишича, ажратиб олинган гуруҳлар боксчилари ўзларининг шахсга хос хусусиятлари ва психомотор сифатлари бўйича ажралиб турадилар.

Тажриба гуруҳи спортчиларининг тайёргарлигини индивидуаллаштириш жараёнида боксчиларнинг индивидуал тавсифномалари тузилди, улар асосида техник-тактик такомиллаштириш воситалари ва усуллари ҳамда машғулот жараёни ва мусобақаларда бошқариш усуллари аниқлаштирилди.

Чалғитувчи омиллар бор вазиятлардаги тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, ҳимояланишлар ҳажми барқарорлиги билан бирга, уларнинг натижадорлиги камаяди, шу сабабли “ясси қўлқоп”да индивидуал ишлашда ушбу ҳолатнинг олдини олиш учун ҳимояланишлар турли вариантларининг ўзаро уйғунлашган турлари, шунингдек, танлаб ва бошқа ҳаракатга ўтиб ҳимояланишлар ўзлаштирилди.

Нишоннинг турли секторларига бериладиган зарбалар диапазони (чегараси) кенгайтирилди, кўп ҳаракатли (амалли) беллашувларда ҳаракат қилиш кўникмалари такомиллаштирилди.

Беллашувларни тезкор равишда олиб бориш, уларни позицион ташкил этиш кўникмасини такомиллаштириш учун машғулот беллашувлари фаолияти шароитларини кутилмаганда ўзгартириш, вақтини чеклаб қўйиш, ринг майдонини кенгайтириш ёки кичрайтириш билан ўтказилди.

Жанг олиб бориш умумий натижадорлигини оширишга мусобақадаги чалғитувчи омилларнинг спортчи фаолиятига таъсирини камайтириш ҳисобига эришилади. Бунинг учун иродавий сифатларни намоён қилишни талаб этувчи тўсиқларни енгиб ўтиш, эмоционал ҳолатларни мустақил бошқариш қобилиятини ривожлантириш кўникмалари такомиллаштирилади.

Спортчиларга қўйиладиган талабларни ошириш ва қўшимча психик зўриқишлар ҳамда салбий эмоционал ҳолатларни енгиб ўтиш учун қўшимча саъй-ҳаракатларни ҳосил қилиш учун боксчиларнинг психик ҳолатларига салбий таъсир қилувчи чалғитувчи омиллар сифатида муайян машғулотда мавжуд бўлган куйидаги объектив омиллардан фойдаланилди: залда шуғулланаётган спортчилар сонининг кўплиги; ёмон ёритиш воситалари, паст (юқори) ҳаво ҳарорати, қўшимча ташқи қўзғатувчилар (товушлар), шерикларнинг тайёргарлик даражаси ва бошқа мезонлар бўйича бир-бирига мос келмаслиги, кучлироқ, юқори малакали спортчи билан жанглар, кучсизроқ, паст малакали спортчи билан жанглар, иккита рақиб билан бир вақтда жанг, “ясси қўлқоп”да индивидуал ишлашда ва шерик билан бажариладиган машқларда тренер томонидан қўйиладиган талабларнинг мусобақа талабларига мос келмаслиги.

Қўшимча равишда берилган ҳаракатларни ва жанг олиб бориш тактикасини қўллаш, вақт чегараси шартларига қўйиладиган юқори талабларни сақлаб қолган ҳолда нотўғри, ғаразли ҳакамлик шароитлари пайдо қилинди.

Спортчиларда олдинда турган фаолият учун аниқ мақсад ҳосил қилиш учун мусобақалар давомида спортчиларга хос муваффақиятли ҳаракатлардан, уларни беллашувларда тузиш ва қўллаш тактикаси турларидан фойдаланиш топшириғи берилди. Олдинда турган беллашувлар давомида мумкин бўлган муваффақиятсизликлар таҳлил қилинди, вазиятлар ва рақибларнинг жанговар ҳаракатлари, салбий эмоционал реакция ва техник-тактик қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган мусобақа жанглариининг ташқи шарт-шароитлари ўзлаштириб борилди. Бундан мақсад – спортчилар олинган ахборот асосида уларга хос бўлган ечимларни ва хулқ шакллариини излаб топиб, амалга оширишлари зарур. Тренер кўрсатмасига биноан ва мустақил равишда ҳар хил ҳаракатларнинг онгли тарзда қўлланилиши мусобақаларнинг турли шароитларида, жумладан, чалғитувчи омиллар бор вазиятларда спортчиларнинг зарур хулқини шакллантиришга йўналтирилди.

Боксчилар педагогик тажриба якунида назорат ва расмий мусобақалар серияларида қатнашдилар, уларнинг фаолияти ўнта кўрсаткичлар бўйича қайд қилинди (4-жадвалга қаранг).

Тажриба маълумотларининг қиёсий таҳлили шундан далолат берадики, тажриба гуруҳи боксчиларида биз ишлаб чиққан тажрибавий услубиятнинг психологик-педагогик таъсирида техник-тактик маҳорат кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар кузатилди. Ижобий (ишончли) ўзгаришлар дастлабки маълумотларга нисбатан натижадорлик кўрсаткичлари гуруҳида содир бўлди.

4-жадвал

Тажриба гуруҳи боксчиларининг техник-тактик маҳорати кўрсаткичлари

Т/р	Баҳоланадиган кўрсаткичлар	Тажриба боши		Тажриба охири		t	p
		\bar{X}	$\pm\sigma$	\bar{X}	$\pm\sigma$		
1.	Умумий фаолият натижадорлиги (%)	65,21	11,03	70,42	10,09	2,32	< 0,05
2.	Хужумлар натижадорлиги (%)	31,84	8,67	37,95	9,07	2,31	< 0,05
3.	Ҳимояланишлар ва жавоблар натижадорлиги (%)	42,06	10,08	46,41	11,36	2,33	< 0,05
4.	Қарши хужумлар натижадорлиги (%)	11,56	5,75	12,75	4,76	1,30	> 0,05
5.	Амалга ошмаган, натижа бермаган хужумлар ҳажми (%)	21,85	6,08	18,57	5,53	2,34	< 0,05
6.	Ҳимояда ўтказилган беллашувлар (%)	39,93	13,07	40,03	14,02	1,31	> 0,05
7.	Тез суръатда ўтказилган беллашувлар (%)	40,45	11,93	40,89	12,38	1,34	> 0,05
8.	Психомотор операцияларнинг сафарбарликка тайёрлиги (енгил вазифадан қийинига ўтишни танлашнинг мураккаб реакция вақти (м/сек)	62,09	33,05	68,43	27,67	3,36	< 0,01
9.	Қийин вазифаларни ҳал этишда хато реакциялар вақти (мет/сек)	287,56	36,67	272,15	27,01	2,33	< 0,05
10.	Қийин вазифаларни ҳал этишда ишончилилик (%).	31,27	9,18	38,61	8,96	2,35	< 0,05

